

## Алишер Навоий асарларида Темир дарвоза ёдгорлигининг талқини

Ш.Ёқубов, ТерДУ доценти

Бойсун худуди мозийга дахлдор маданий ёдгорликларга бой бўлиб, азалдан кишиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Бу ёдгорликлар ҳақидаги турли хил фикрлар фақат шу юртда қўним топган кишиларга эмас, дунёнинг узок ўлкаларида яшовчи илм-фан соҳибларига ҳам тааллуқлидир. Ана шундай ёдгорликлардан бири Дарбанд қишлоғи ёнидаги Темир дарвоза ҳисобланади. Бу ернинг рельефи, улкан тоғларнинг шу манзилда бир- бирига яқин келиши, табиатнинг ўзига хос бу мўъжизаси одамларни лол қолдиради. Тоғлар орасидан ошиб ўтиладиган йўлнинг ягона ўзани шу ерда жойлашганлиги туфайли Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ҳам шу ерда ястаниб ётибди. Бу манзил қадим Бактриядан Сўғдиёнага ўтиладиган ягона йўл эди. У Бактрия ва Сўғдиёна пайдо бўлишидан жуда илгари ҳам йўловчиларга хизмат қилган. Жанубдан Шимолга ва аксинча ҳаракатланувчи йўловчилар: сайёҳлар, олимлар, шоирлар, илм изловчилар ҳамда дунё таниган саркардалар ҳам шу тупроқ орқали қадамранжида қилганлар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу ёдгорлик ушбу заминга қадами етган кишиларнинг бировини ҳам бефарқ қолдирмаган. Бу мўъжизакор макон оддий йўловчидан тортиб буюк саркардаларгача -ҳаммасини мафтун этган.

Хитойлик будда ташвиқотчиси Сюань Цзянь бу манзил ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бу ердаги тоғ йўли жуда оғир ва қўрқинчли...Жанубий- шарқий томонга юриб...Темир дарвозага етдик. Дарвозанинг ўнг ва чап томонлари баҳайбат тоғлар билан ўралган, йўл ниҳоятда тор ва икки томондан совуқ темирсимон қоялар осилиб турибди”. Темир дарвоза орқали ўтиб бу манзил ҳақида IX асрда араб географи Али Яъқубий, 1404 йилда Испан сайёҳи Клавихо, 1513 йилда Муҳаммад Солиҳ ўз таассуротлари асосида қимматли маълумот берганлар.[1]

Буюк мутафаккир А.Навоий ҳам Ҳиротдан Самарқандга ва Мовароуннаҳрдан Хуросонга томон қарвонлар сафида ҳаракатланар экан, ана шу заминдан бир неча бор ўтди. Ҳамма нарсага синчковлик билан қарайдиган шоир

Темир дарвозани алоҳида бир диққат билан кузатди. Кейинчалик бу воқеа шоир асарларидан жой олди.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Искандар қўшинлари Кашмирни забт этиш учун Ҳиндистонга кетаётганда йўлда бир ғаройиб воқеага дуч келганларини баён қилади. Искандар қўшинлари қаршисидан бир буюк тоғ чиқиб, ундан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ эди.

*Бу янглиз бийик тоғ, анигдекки Қоф,  
Бўлиб чархдин ерга тегру шигоф.  
Бўлиб ошкоро аросинда йўл,  
Вале икки йилмон қиё икки қўл.  
Бу йўлким анга тоғ ўлуб ҳарсари,  
Келиб арзи тахмин била юз қари.  
Ани аҳли Кашмир дарбанд этиб,  
Ики тоғни бир-бирига пайванд этиб.  
Юз эллик қари авжи рифъат анга.  
Яна мунча дағи захомаат анга.  
Анигдек қўюб гаж била хоро тош,  
Ки ердин бўлуб кўкка якпора тош.  
Темурдин ясаб анда дарвозаи,  
Фалак тоқидин тоқи андозаи.* (СИ-212)

Шоирнинг фикрича “бутун ер юзини ўраб олган, ердан осмонгача етадиган афсонавий Қоф тоғига ўхшаш бу буюк тоғ орасида йўл бўлиб, икки томони ниҳоятда қиялик эди. Бу икки тоғ оралиғидаги йўлнинг эни тахминан юз қари(метр)ни ташкид этади.”[2] Достонда берилган юқоридаги маълумотлар Бойсун туманидаги Темир дарвозага айнан ўхшайди. Тоғларнинг баландлиги ва эни ҳамда ушбу тоғлар орасидан ўтган йўл тафсилоти бевосита бу фикрни тасдиқлайди.

Юқоридаги сатрлардан маълумки, кашмирликлар бир - бирларига яқин келган икки тоғ оралиғидан ўтадиган ягона йўлни бекитиб, Темир дарвоза қуришган. Ундан ҳеч ким ўта олмаган. Улар ганч ва тошдан мустаҳкам истехком ясаб, йўлни бутунлай бекитиб ташлашган эди. Чунки улар қурган деворнинг эни ҳам, бўйи ҳам 150 қари (метр) эди.

Юқоридаги тасвирни диққат билан кузатсак, бу тасвир Сурхон тупроғида

жойлашган қадимий “Темир дарвоза” билан боғлиқлигини кўрамыз. Ўз - ўзидан савол туғилади: Навоий тасвирлаган Темир дарвоза қаерда ? Унга жавоб топиш учун жуда кўп манбаларни излаймиз. Маълум бўлишича, дунёнинг кўп жойларида Темир дарвоза номи билан аталувчи обидалар (топонимик-жой номлари) бор экан. [3] Лекин Навоий шулардан қайси бирларини бориб кўрган? Ахир у Кашмирда бўлмаган-ку? Кашмирда бўлган воқеаларни тасвирлаш учун эса қадим Сурхондарёдаги ёки аниқроғи - Дарбанд қишлоғидаги ўзи ўтиб қайтиб кўрган “Темир дарвоза” тафсилотини баён қилган. Шоир Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги тоғларни, дараларни, қисқа йўлларни кўп кўрган.

Атровлича мулоҳаза қилиб кўрамыз. Унда икки осмонўпар тоғнинг ёнма-ён келганлиги, орада 100 метрга яқин ўтиш жойи борлигига диққат қиламиз. Сурхондарёдан Қашқадарё вилоятига ўтишда Шўроб қишлоғи яқинида ана шундай Темир дарвоза қадимдан борлиги маълум. Ушбу Темир дарвозанинг икки томонида икки тоғ бор: Сувсиз ва Саримас тоғлари. Бу тоғлардан одам ўта олмайди. Қадимда Тоҳаристон билан Сўғдиёнанинг чегарасида жойлашган бу мустаҳкам дарвоза подшоҳлар учун карвонлардан солиқ (йўл кира) йиғиш учун ҳам хизмат қилган. Темир дарвозанинг ёнида махсус қўриқчи, аскарларнинг ҳарбий истеҳкомлари жойлашган. Бу ерда шаҳар бўлганлиги ҳақида ҳам тарихий китобларда маълумот берилган. [4]

Темир дарвоза ҳақида жуда қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кунгача ҳар хил фикрлар юради. Германия, Англия, Швейцария ва Япония каби мамлакатларнинг олимлари ҳам Темир дарвозани кузатишлари асосида ўзларининг қарашларини билдирганлар. Темир дарвоза ёдгорлигини 1982 йилнинг июль ойида академик Э.В.Ртвеладзе бошчилигида бир гуруҳ олимлар ҳафта давомида ўргандилар...Тошкентдан илмий-оммобоп киностудия ходимларини чақирди. Темир дарвоза ва унинг атрофидаги кўрғонларни ўрганиб, “Қадимий Бақтрия” номли кўрсатув тайёрланди. Кейинчалик “Академик Э.Ртвеладзе Кушонлар ва қадимий Бақтрия салтанатининг шимолий сарҳадини, унинг девор, чегара ва қалъаларини ишончли далиллар билан исбот қилиб, фандаги тортишувларга барҳам берди.” [5]

Шоирнинг “Анингдек кўюб гаж (ганч) била хоро тош” мисрасидаги фикр - Темир дарвоза атрофининг ганч ва ҳарсанг тошлар билан бир бутун тошдек қурилганлиги Сувсиз ва Саримас тоғи жинслари оҳактошлардан [6] тузилганлиги билан мос келади. Қадимда Темир дарвоза ёнида ҳарбий қалъа ва шаҳарнинг мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам шоир тасвири билан муштаракликни ташкил этади.

### Адабиётлар

1. П.Шоимов. Дарбанд-қадимий макон.-Қарши: “Насаф”, 1999, 16-бет.
2. А.Навоий. Садди Искандарий.-Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1991, 637-бет. (Насрий баён муаллифи М.Ҳамидова.)
3. Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1981, 256-бет.
4. Ё.Хўжамбердиев. к.д.а.-Тошкент: 1973, 13-бет.
5. П.Шоимов. Юқоридаги асар, 8-бет.
6. В.Пословская. Жанубий Ўзбекистон тоғларида.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1968, 47-бет.

**Манзил: Термиз шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 14-<sup>А</sup> уй**

**Е-mail: [sharif.yoqubov@mail.ru](mailto:sharif.yoqubov@mail.ru) tel nomer: +99893 635 52 61**